



Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqan boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Катта ҳаёт остонасида



Мақтаб — болалик, бегуборлик, эзгу орзу-ниятларга қанот берувчи, билимлар билан бирга ватанпарварлик, фидойилик, меҳнатсеварлик, ҳалоллик, одамийликдан сабоқ берувчи маскан. Унинг бағрида кечган ёруғ дамлар хотираси бир умр қалбимизни тарқ этмайди.



Мамлакатимиздаги барча умумтаълим мактабларида 25 май куни «Хайр, мактаб! Салом, коллеж!» мавзудаги тадбирлар «Замонавий билимлар билан замонавий касб-хунарга эга бўламиз» шиори остида ташкил этилди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида навқирон авлодга билим беришнинг янги тизимини жорий этиш, ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш масаласига давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эътибор қаратилмоқда. Кадрлар тайёрлаш, мактаб таълимини ривожлантириш, болалар муסיқа ва санъат мактаблари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қабул қилинган дастурлар янги фикр ва дунёқарашга эга шахсни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этаётди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигидан олинган хабарга кўра, жорий ўқув йилида умумтаълим мактабларини 476 минг 616 ўқувчи тамомлади. Улар ўқитишнинг кейинги — ўрта махсус, касб-хунар тизими босқичига тўлиқ қамраб олинади.

ЎЗА МАТЕРИАЛИ
АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ.
ЎЗА ФОТОМУХБИРИ
АЪЛО АБДУЛЛАЕВ ОЛГАН СУРАТЛАР.

Муносабат

Асрий орзулар рўёби

Президентимиз Ислам Каримовнинг «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони учиб

Талабалардан сўнг илмий тадқиқот қилишга чоғланган пайтимида тилимиз давлат тили мақомига эга бўлди. Биз ўз она тилимизда илмий тадқиқотлар олиб бориш бахтига мушарраф бўлдик. Бизнинг илмий, илмий-педагогик фаолиятимиз, истиқлол йилларига тўғри келди.

2016 йил 13 май куни эълон қилинган «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети» ташкил этиш тўғрисидаги Фармон она тилимиз ва адабиётимиз, шунингдек, таълим соҳасида изчил олиб борилаётган ислохотларнинг мантиқий давоми — юқори чўққиси дейишимиз мумкин. Мазкур тарихий фармон миллий тилимиз ва адабиётимиз ривожини йўлида қилинажак эзгу ишларимиз учун муштакам пойдевор, муҳим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатдир. Унда ўзбек тили ва адабиётининг узок ва бой тарихига, буюк аждодларимизнинг илмий-бадиий тафаккурига алоҳида эътибор қаратилиб, ушбу соҳанинг бугуни, порлоқ истиқболи ўтмишдаги ноёб дурдоналарни ўрганишдан, уларни чуқур ва холис тадқиқ этишдан бошланиши қайд этилган.

Ушбу тарихий ҳужжат ҳозирги тез ўзгараётган глобаллашув даврида ўзбек тили ва адабиётининг ўзига хос бетақорор хусусиятлари, тарихий тараққиёти, унинг бугунги ҳолати ва истиқболи билан боғлиқ масалаларни чуқур ўрганиш, бу борада олиб борилаётган илмий тадқиқот ишлари самарадорлигини кучайтириш, таълим-тарбия тизимининг барча бўғинларида ўзбек тили ва адабиёти фанини ўқитиш ҳамда ушбу соҳа бўйича юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг сифатини тубдан ошириш мақсадини кўзда тутиб ва шундан келиб чиқиб, қатор вазифаларни белгилаб беради.

Англашадигани, ўзбек тили ва адабиёти соҳасида «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»да кўзда тутилган замонавий технологияларни чуқур ўзлаштириш, давр талабларига жавоб берадиган юксак малакали, илмий ва педагог кадрлар тайёрлаш кўннинг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Ўзбек тили ва адабиётининг ривожини ҳақида гап кетганда, бу борадаги илмий тадқиқотларни янги босқичга кўтариш, ўзбек тили ва адабиётининг ривожланиши истиқболлари билан боғлиқ илмий муаммоларни мумтоз ва замонавий усулларда тадқиқ этишга алоҳида ургу берилди. Шунингдек, фармонда ўзбек тилининг асл табиати ва хусусиятларини тўла акс эттирадиган мукамал академик ва ўқув қўлланмаларини яратиш ниятда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланади.

Истиқлол йилларида ўзбек тилишунослиги катта ютуқларни қўлга киритди. Фанимизда янги таҳлил методлари ва улар билан боғлиқ янги тилишунослик мактаблари шаклланди. Ушбу тадқиқотлар ва йўналишларда илмий асосланган илмий-назарий янгиликлар яратишни кечиктирмаслик, бу йўлда бор куч ва имкониятни ишга солиш мутахассислар зиммасидаги катта масъулиятдир.

Фармонда таъкидланганидек, ушбу университет юқори малакали таржимонлар тайёрлаш, илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, уларнинг малакасини ошириш, айна шу йўналишларда илмий ва ўқув-методик материалларни ишлаб чиқиш бўйича таянч олий таълим муассасаси ҳисобланади. Шу билан боғлиқ ҳолда соҳа мутахассисларидан ривожланган давлатларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш, миллий менталитетимизни ҳисобга олган ҳолда намунавий ва ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, ўқитиладиган фанларнинг таркибини, мазмунини замон талабларига мос ҳолда такомиллаштириш, шунингдек, бу йўналишларда илмий, илмий-педагогик, ўқув ва ўқув-устулубий адабиётларнинг янги авлодини тайёрлаш ва нашр этиш каби қатор вазифаларни амалга оширишимиз талаб қилинади.

Умуман олганда, фармонда ўзбек тили ва адабиётини ривожлантириш билан боғлиқ қатор масалаларга алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, бунинг замирида она тилимизга ва миллий адабиётимизга чуқур эҳтиром, чексиз муҳаббат, унинг келажакдаги тараққиёти учун юксак масъулият ҳисси ётибди. Таъбир жоиз бўлса, ушбу тарихий ҳужжат она тилимиз равангидан юқори беҳиёс хизмат қилган Махмуд Қошғарий, Алишер Навоий, Махмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Абдулхамид Чўлпон, Абдулла Қодирий каби буюк аждодларимиз асрий орзуларининг рўёби бўлиб, бизни ана шундай мутафаккир зотларнинг муносиб ворислари сифатида тилимиз ва адабиётимизни авайлаб-асрашга, уни бутун бойлиги, гўзаллиги ва таровати билан келажак авлодларга етказишга ундовчи бир даъватдир.

Муҳаббат ҚУРБОНОВА,
филология фанлари доктори,
профессор

Конференция

Тошкентда «Давлат органлари ва ННТ ўртасида ижтимоий шерикликни ривожлантириш: Ўзбекистон тажрибаси ва халқаро амалиёт» мавзуда халқаро конференция бўлиб ўтди.

Ижтимоий шерикликни ривожлантириш: Ўзбекистон тажрибаси ва халқаро амалиёт

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси, Адлия вазирлиги, ЕХТ, Ф.Эберт номидаги жамғарманинг (ГФР) Ўзбекистондаги ваколатхоналари, «Минтақавий мулоқот» халқаро ноҳукумат ташкилотининг (Словения) мамлакатимиздаги филиали, Япониянинг Цукуба университети, Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари масъул ходимлари, ННТ ва ОАВ ходимлари, шунингдек, Франция, Германия, Голландия, Канада, Япония, Жанубий Корея, Хиндистон ва бошқа давлатлар илмий-тадқиқот марказлари экспертлари, хорижий давлатларнинг Ўзбекистондаги элчихоналари, халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари иштирок этди.

Анжуманда мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатлари ҳимоя қилинадиган кучли фуқаролик жамияти ривожланаётгани таъкидланди. Бу мустақилликнинг дастлабки кунларида ноқ кенг қўлланми демократик ўзгаришларнинг устувор йўналиши сифатида белгиланган. Тарихан қисқа давр ичида Ўзбекистонда аҳоли манфаатларини қўллаб-қувватлайдиган, мустақил ва барқарор нодавлат нотижорат ташкилотлари тизимини ривожлантиришга қаратилган ишлар амалга оширилди. Уларнинг эркин фаолият юритишига хизмат қилувчи 200 дан ортиқ қонуни ва қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз ичига олган ҳуқуқий база яратилди.

— Фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий аҳамиятга моллик лойиҳаларини

давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича самарали тизимини яратилиши ННТ фаолиятини кенгайтириш ва уларнинг молиявий жиҳатдан барқарорлигини таъминлашда муҳим омил бўлди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов. — 2008 йил парламент ҳузурида ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ташкил этилди. Фонд маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси тузилди, унда депутат ва сенаторлар лойиҳаларини молиялаштиришнинг мақсадга мувофиқлиги, йўналишлари ва микдорини белгилайди.

Кейинги етти йил мобайнида ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг турли ижтимоий лойиҳаларини амалга ошириш мақсадлари учун ҳар йили давлат бюджетидан ажратиладиган маблағларни очик-ошқора, манзилли ва адолатли тақсимлаш доирасида жамоат фонди томонидан 47,7 миллиард сум маблағ субсидия, грант, ижтимоий буортма шаклида йўналтирилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятини янада кенгайтиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлди. Концепция асосида ўтган давр мобайнида «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида», «Экологик назорат тўғрисида», «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонуналар қабул қилинди.

Мавсум тараддуди

Ёзги таътил мароқли ўтади

Навоий вилояти касба уюшма ташкилотлари билан ҳамкорлик кенгаши томонидан Кармана туманидаги «Ишонч» оромгоҳида болаларни ёзги соғломлаштириш ва дам олдирish мавсуми ташкилотчилари, оромгоҳлар раҳбарлари, тегишли ташкилот ва корхона мутасаддилари иштирокида семинар бўлиб ўтди. Унда ўтган йилги мавсумда йўл қўйилган хатоларни жорий йилда такрорламаслик, мавжуд камчилик ва муаммоларни қисқа фурсатларда бартараф этиш, оромгоҳларда болаларнинг овқатланишини тўғри йўлга қўйиш ҳамда сифатли озиқ-овқат маҳсулотларидан фойдаланиш, тиббий хизмат ва санитария-эпидемиология назоратини кучайтириш каби масалалар муҳокама қилинди.

Шунингдек, иштирокчиларга оромгоҳларда хавфсизликни таъминлаш, турли кўнгилсиз

ҳолатларнинг олдини олиш, ёнғин хавфсизлиги қондаларига қатъий риоя этиш, мавсумини тинч ва осойишта ўтказиш, турли маданий тадбирлар уюштириш бўйича бир қатор тавсиялар берилди.

Сирдарё вилоятида бу йил 19 та кундузги болалар оромгоҳида 2800 нафар, 3 та стационар турдаги оромгоҳида 2000 нафар бола дам олдирилиши режалаштирилган. Касба уюшма ташкилотлари билан ҳамкорлик томонидан ташкил этилган ўқув-семинарда шу масалага оид чора-тадбирлар ҳақида сўз борди. Унда тегишли ташкилотлар вакиллари, оромгоҳлар раҳбарлари, тарбиячилар, етакчилар, оромгоҳда фаолият юритадиган тиббиёт ва ички ишлар ходимлари, ҳисобчилар, спорт йўриқчилари қатнашди.

(2).

Универсиада — 2016

Ёшлик ва баркамоллик байрами

Тошкент вилоятининг Паркент туманидаги Ўзбекистон Фанлар академияси «Физика-Кўёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Материалшунослик институтида «Универсиада — 2016» спорт мусобақалари машъаласини аланга олдириш маросими ташкил этилди.

(4).



«Камалак»нинг «Лочин»даги жилоси

>> 2



Муסיқа миллатни тарбиялайди

>> 4

Фаровонлик

Сархил маҳсулотга мўл расталар

Айни пайтда бозорларимиз сархил мева-сабзавот, полиз маҳсулотлари билан янада тўқинлашган. Наманган вилоятидаги деҳқон бозорлари ҳам бундан мустасно эмас.



Президентимизнинг шу йил 12 апрелдаги «Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Қарори истеъмол бозорини йил давомида сархил мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари билан таъминлаш имкониятини янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда.


Сотувчи ва хариддорлар учун барча шароит ва қулайликларга эга «Норин» деҳқон бозори павилониди 620 савдо растаси мавжуд. Уларда фермер ва деҳқон хўжаликлари, агрофирмалар, таъминотчи корхоналар томонидан етказиб берилган маҳсулотларнинг савдоси самарали йўлга қўйилган.

Бозор ҳисобчиси Хурсанали Мадумаровнинг таъкидлашича, «Халқ банки» Норин тумани бўлимининг молиявий кўмағида айни кунларда бозорда реконструкция ишлари бошлаб юборилган.

СУРАТЛАРДА: Наманган вилоятидаги «Норин» деҳқон бозориди. Хотам МАМАДАЛИЕВ (ЎЗА) олган суратлар.



Ёзги таътил мароқли ўтади



Қ(1).

— Оромгоҳимизда болажонлар яйраб дам олиши, сифатли таомлар тановул қилиши, ўзлари севган спорт турлари билан шуғулланиши, тўғарақларда иштирок этиши учун катта тайёргарлик кўряпмиз. Ўтган йили дам олишда уч навбат ташкил этилган эди, бу йил ота-оналарнинг талабларига кўра 4 навбат ташкил этиши мўлжаллаяпмиз. Бунинг учун имкониятларимиз етарли, — дейди «Сирдарё» оромгоҳи раҳбари Мурод Аллаёров.

Фарғона вилоятида Соғлом она ва бола йилида 126 та оромгоҳда 31 минг 100 нафар болажонни соғломлаштириш кўзда тутилган. Вилоят касаб уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан болажонларни ёзги соғломлаштириш ва дам олдирини мавсуми ташкилотчилари иштирокида бўлиб ўтган семинарда оромгоҳларни мавсумга тайёрлаш ва уни ушқоқлик билан ўтказиш борасида ҳамкор ташкилотлар билан олиб борилаётган ишлар атрофича муҳокама этилиб, галдаги вазифалар белгилаб олинди.

Семинарда халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ички ишлар, маданият ва спорт ишлари, факулда вазиятлар бошқармалари, вилоят давлат санитария эпидемиология назорати маркази ҳамда «Камолот» ЁИХ вилоят кенгаши вакиллари ва маърузалари тингилди. Шунингдек, оромгоҳ раҳбарлари, тарбиячилар, етакчилар, спорт йўриқчилари, ҳисобчилик шўъбаларга бўлиниб, мавсумни сифатли ўтказиш мақсадида ўқувлар ташкил этилди. Тадбир иштирокчилари учун вилоят халқ таълими бошқармаси қошидаги «Баркамол авлод маркази», Фарғона шаҳар ахборот ресурслар маркази ҳамда 1-, 4-сонли мусика мактаблари томонидан кўрғазма ташкил этилди.

Қорақалпоғистон Республикасида бўлиб ўтган семинарда мувофиқлаштирувчи гуруҳ аъзолари, тегишли вазирлик ва туман ҳокимликларидан вакиллар қатнашди. Тадбирда воҳада ёзги дам олиш оромгоҳларининг бугунги ҳолати таҳлил этилди. Худудий мувофиқлаштирувчи гуруҳ раиси ўринбосари Улугбек Жалменов жорий йилда 14 минг нафар боланинг кўнгилли дам олишини таъминлаш йўлида барча имкониятлар ишга солинаётганини маълум қилди. Жумладан, воҳадаги 25 та стационар ва кундузги оромгоҳда 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган 11 минг 160 нафар болажоннинг соғломлаштирилиши режалаштирилган. Шунингдек, коллеж ўқувчилари учун Меҳнат ва дам олиш, иқтидорли болалар учун Интеллектуал ривожлантириш ва Ҳарбий-спорт соғломлаштириш марказларининг фаолият олиб бориши назарда тутилган.

— Оролбўйи болаларининг 4500 нафари бу йил Тошкент шаҳри, Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё ва Жиззах вилоятларининг сўлим масканларида жойлашган оромгоҳларда ҳордиқ чиқариши таъминланади, — деди ЎзКУФК бўлим mudiri, Республика Мувофиқлаштирувчи гуруҳи аъзоси Нодира Каримова. — Шулардан 3000 нафарини қорақалпоғистонлик болажонлар ташкил этади.

Вилоятлардаги соғломлаштириш масканларига бериладиган йўлланмалар «Меҳрибонлик» уйи тарбияланувчиларига, эҳтиёжманд ва кўп болали оилаларнинг фарзандларига тақдим этилиши кўрсатиб ўтилди.

Қашқадарёда ташкил этилган семинарда вилоят касаб уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Эсон Ражабов ҳамда мутасадди ташкилотлар вакиллари мавсумни юқори савияда ўтказиш мақсадида амалга оширилаётган ишлар ҳақида ахборот беришди.

Жорий йилда 19 та стационар оромгоҳда 26 минг 440 нафар ўғил-қизни соғломлаштириш режалаштирилган бўлиб, шундан 16 минг 180 та йўлланма учун ижтимоий сурғурта фондидан маблағ ажратилиши, 10 минг 260 нафар болани дам олдирини эса туман, шаҳар ҳокимликлари, «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими ҳамда ҳомий ташкилот, корхона, муассаса ва тадбиркорлар ҳисобидан амалга оширилиши кўзда тутилган.



Шунингдек, 1600 нафар эҳтиёжманд оила фарзандлари, 90 нафар «Меҳрибонлик» уйи тарбияланувчилари ҳамда 100 нафар иқтидорли бола бепул йўлланмалар билан таъминланади.

Вилоятдаги оромгоҳларнинг аксариятида ёзги мавсумга тайёргарлик ишлари талаб даражасида олиб бориюмоқда. Семинарда мавсумни намунали ташкил этиш бўйича зарур тавсия ва кўрсатмалар берилди.

Тадбирда тўғарақ раҳбарлари, тарбиячи ва етакчиларга ихтисослашган йўналишлардаги интеллектуал ривожлантириш, экологик ва ўлкашунослик, техник ижодкорлик ҳамда бадний ижодиёт оромгоҳларининг аҳамияти ҳақида атрофича тушунтириш ишлари олиб борилди. Иштирокчиларга ҳамкор ташкилотлар томонидан тайёрланган ва мавсумнинг самарали ўтишида муҳим аҳамиятга эга тарқатма материаллар, дискларга туширилган видеороликлар, йўриқномалар тарқатилди.

«Ishonch» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

Сайлов

Муқобиллик асосида

Сардоба туманида 20 нафар фуқаролар йиғини раиси ва уларнинг 225 нафардан зиёд маслаҳатчиларини сайлаш режалаштирилган.

«Наврў» маҳалла фуқаролар йиғинида ўтказилган сайлов юксак ташкилий-ҳуқуқий ҳамда демократик тамойиллар асосида ўтганлигини эътироф этиш жоиз.

Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссия аъзоси Шамсиддин Фармонов вакиллари раисликка муқобиллик асосида кўрсатилган номзодларнинг таржимаи ҳоли билан таништирди. Вакиллари кўпчилик овози билан МФЙ раислигига «Раҳмонкул-ота» фермер хўжалиғида иш юритувчи вазифасида ишлаб келётган Хасан Тожиёв, йиғин раисининг маслаҳатчилари этиб саккиз нафар фуқаро сайланди.

Абдуманноп АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири

Бандлик

Шофиркон иқтисодий кесб-хунар коллежини ўтган йили 237 нафар ўқувчи битирди, уларнинг 208 нафари танлаган касблари бўйича фаолиятини бошлаган бўлса, 29 нафари олий таълим муассасаларига ўқишга кирди.

Битирувчиларга эътибор

14 нафар битирувчи банк кредитлари эвазига тадбиркорлик билан машғул. Тўрт йўналишда тахсил олаётган битирувчиларнинг 35 фоиздан ортиги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдиришган.

Коллежда «Тадбиркор — элга мададкор», «Менинг бизнес юзям» сингари қатор ўқув-семинарлари ташкил этилгани айни муддао бўлаяпти. Ҳозиргача битирувчиларни дипломолди амалиётларига жалб этиш ва бандлигини таъминлаш мақсадида 109 та корхона, ташкилот ҳамда муассаса билан 4 томонлама шартномалар имзоланди.

— Коллежимиз ижтимоий-иқтисодий соҳада кичик мутахассис кадрлар тайёрлаш бўйича туманда таянч ўқув юрти ҳисобланади. Маъмурият ва касаб уюшма кўмитасининг ягона мақсад сари интилиши фаолиятимизнинг режали асосда олиб борилишини таъминлаяпти, — дейди коллеж директори И.Тошев. — 9 йўналиш бўйича мутахассислар тайёрлаймиз. Бунинг учун педагог-мутахассис ўқитувчиларимиз етарли. Ўқув-амалиёт ва лаборатория хоналари мавжуд, 25 та фан ва спорт тўғарақлари доимий фаолият олиб боради. Футбол, баскетбол, волейбол майдончалари ва ёпик спорт зали ёшлар ихтиёрида. Ўқувчилар туман, вилоят ва республика спорт мусобақаларида муваффақиятли қатнашиб, совринли ўринларни эгаллаб келишаётгани ҳам бежиз эмас.

Иzzатулла ХОЖИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Ўқув-семинар

Меҳнат муҳофазасига бағишланди

Агроеанот мажмуи ходимлари касаб уюшмаси Республика кенгаши томонидан тизимдаги вазирлик, идора ва компанияларга қарашли корхона ва ташкилотларда содир бўлган бахтсиз ҳодисаларнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш ҳамда бундай кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олиш бўйича ўқув-семинар ташкил этилди.



Унда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзпахтасаноатэкспорт», «Ўзвиносаноат» Холдинг компаниялари, «Ўздонмаҳсулот» АҚ, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Сифат» пахта толасини сертификатлаш маркази, «Ўзагромуашсервис» уюшмаси, Ўзбекистон Фермерлар кенгаши, Давлат техника назорати бош бошқармасининг меҳнат муҳофазаси масалалари бўйича мутахассис ҳамда муҳандислари иштирок этишди. Семинарда тизимдаги барча корхона ва ташкилотларда ходимларнинг меҳнат муҳофазаси бўйича билимини ошириш, меҳнат шароитлари бўйича иш ўринларини аттестациядан ўтказиш ҳамда ишчи-ҳодимларни тиббий кўриқдан ўтказиш масалаларига жиддий эътибор қаратиш лозимлиги қайд этилди. Тадбир сўнггида меҳнат муҳофазаси бўйича келгусида амалга ошириладиган вазифалар белгилаб олинди.

Иқром ХАСАНОВ,
«Ishonch» мухбири

Иқтидорли болалар анжумани

Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз тумани Мирокки кўрғонидида жойлашган «Лочин» болалар оромгоҳида «Ватан, дўстлик ва халқпарварлик!» шиори остида «Камалак» болалар ташкилотининг анъанавий XV анжумани давом этмоқда.

«Камалак»нинг «Лочин»даги жилоси

Республикамизнинг шаҳар ва туманларидан «Камолот» ва «Камалак» сардорлари, худудий «Камалак» болалар ташкилоти раислари, жами 600 нафардан зиёд фаол ўғил-қиз сўлим гўшадика мириқиб ҳордиқ чиқаришаяпти, илм-фан, спорт, санъат ва бошқа жабҳаларда маҳоратини намойиш этиб, ўзаро тажриба алмашмоқда.

Фестивални ўтказишдан кўзланган мақсад «Камалак» болалар ташкилоти томонидан йил давомида амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиш, ташкилот сардорларининг билим-кўникмасини ошириш, илғор тажрибаларни оммалаштириш ва қўллаб-қувватлаш, умумтаълим мактабларидаги бошланғич ташкилотларнинг фаолиятини такомиллаштириш, ўқувчи-ёшларнинг ижодий, илмий қизиқиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, ижтимоий фаолигини янада ошириш, юртимиз ёшлари ўртасида мустақам дўстлик алоқаларини ўрнаттиш орқали уларни Ватан равнақи йўлида бирлаштиришдан иборатдир.


Анжуман давомида республикамизда ёшларга оид давлат сиёсати йўналишида амалга оширилган ишлар ҳақидаги филмлар намойиши, турли мавзуларда семинар-тренинглр бўлиб ўтди.

Шунингдек, «Камалак» болалар ташкилоти томонидан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Қадрият, урф-одат, анъана ва ёшлар»

лойиҳаси доирасида ижодий кўрғазмалар, «Истеъодлар форуми», «Тенгдош-тенгдошга» тамойили асосидаги тўғарақлар соати, «Дунё палитраси» расмлар танлови, «Start way» гимнастика, спорт ва рақс мусобақалари, «Кўвноқ футбол», «Камалак сардорлари учун», «Сўнгги кўнғироқ», «Камалак» спортландияси» каби лойиҳалар, танлов ва баҳс-мунозаралар ташкил этилади.

— Бугунгидек фаол ўқувчилар анжумани, шунингдек, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг «Юрт келажиги» танлови голиблари иштирокидаги анжуманларнинг бизнинг оромгоҳимизда ташкил этилиши зиммаимизга катта масъулият юклайди, — деди биз билан суҳбатда «Лочин» болалар оромгоҳи бошлиғи Азамат Тўрақулов. — Шу боис, оромгоҳни мавсумга тайёрлаш ишларини феврал ойдаёқ бошладик. Жорий таъмирлаш ишлари олиб борилди, 4000 дан ортиқ адабётга эга замонавий кутубхонага янги китоблар келтирилди. Жорий йилда ҳам ушбу анжуман иштирокчиларидан ташқари «Шўртангақимё» мажмуаси ходимларининг 4000 нафарга яқин фарзандини дам олдириш режалаштирилган. Бундан ташқари, Оролбўйидан ҳам 500 нафар ўғил-қиз, шунингдек, эҳтиёжманд оила фарзандлари ва «Меҳрибонлик» уйи тарбияланувчилари соғломлаштирилади.

Ақмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири



ОМОН БЎЛИНГ, МУШТАРИЙ

Ёшлик ва баркамоллик байрами

✎(1). Машъалани 2012 йили Лондонда ўтган Паралимпий ўйинлари совриндори дзюдочи Шариф Халилов ўт олдириб, майдонга олиб кирди. У машъалани 2016 йили Жанубий Кореянинг Чонжу шаҳрида академик эшак эшиш бўйича Осиё саралаш мусобақасида голиб чиқиб, XXXI Олимпия ўйинларига йўланма ни кўлга киритган истеъдодли спортчимиз Шахбоз Холмирзаева тантанали равишда топширди.



Уфа суратлари

Фаргона шаҳридаги «Истиклол» ўйингоҳида олий ўқув юрти талабалари ўртасида «Универсиада — 2016» спорт ўйинларининг финал босқичи сурати олади. Ушбу спорт тадбирига вилоятда катта ҳозирлик қўрилди. Кўча ва хиёбонлар ободонлаштирилди, марказий кўчалар таъмирланди.

Кичик ҳалқа йўли, Куvasой, Ал-Фароний, Алишер Навоий ва бошқа кўча ҳамда боғларда 400 мингдан ортиқ турли хил гул кўчати ўтказилди. Шаҳардаги 16 минг туддан зиёд дарахтга ишлов берилди. Кўчаларда беллашувлар руҳини акс эттирувчи суратлар туширилган баннерлар, паннолар ўрнатилган. Спорт мусобақаларининг очилиш маросимида 1068 нафар спортчи ва мураббий, 155 нафар ҳакам ҳамда юртимизнинг машҳур спортчилари, давлат ва жамоат арбоблари иштирок этиди. Беллашувлар ўтказилган 29 та объектда кенг кўламли бунёдкорлик ишлари

амалга оширилди. Спорт заллари жаҳон андозалари даражасида жиҳозланмоқда. Талаба спортчиларининг мароқли ҳордиқ чиқариши учун маданий-маърифий тадбирлар, таниқли шоир ва ёзувчилар, санъаткорлар билан ижодий учрашувлар, тарихий обидалар, музей ва театрларга саёҳатлар ташкил этилиши режалаштирилган.

— Ушбу спорт тадбирини юқори савияда ўтказиш билан боғлиқ ишларда қасаба уюшма ташкилотлари ҳам фаол иштирок этмоқда, — деди Фаргона вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири Фанишер Пайзиев. — Жумладан, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш юмушлари, бошқа ташкилий ишларга муносиб ҳисса қўшишга ҳаракат қилиди. Шу билан бирга, қасаба уюшма маблағлари ҳисобидан эсда-

лик совғалари тайёрлаб қўйилди.

Спорт ўйинларининг финал босқичига тайёргарлик ва тадбир жараёнларини оммавий ахборот воситаларида ёритиш масаласига бағишланган матбуот анжуманида Маданият ва спорт ишлари вазирининг биринчи ўринбосари М.Алиев, мусобақаларни ўтказувчи штаб бошлиғи Ш.Шарипов ва бошқалар ушбу мусобақага қўрилаган тайёргарлик ҳақида маълумот берди. Еттинчи бор ўтказилаётган ёшлик ва спорт байрамида Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 14 тана жамоа волейбол, қўл тўпи, футбол, енгил атлетика, сузиш, шахмат, оғир атлетика, дзюдо, баскетбол, юнон-рум кураши, эркин кураш, бокс, таэквондо, теннис, стол теннис бўйича ўзаро баҳс олиб боради.

Байрамнинг очилиш маро-

симига қизғин ҳозирлик қўрилгани эътиборга лойиқдир. Унинг бадиий дастурига икки минг беш юз нафардан зиёд талаба жалб этилган. Маросимни миллий кадрятларимизга мос равишда ўтказиш мақсадида бу галги очилиш маросимида илк марта дорбозлик, полвонлик, тош кўтариш сингари миллий ўйинларимиз замонавий спорт ўйинлари билан уйғунлаштирилган ҳолда намойиш этилади.


— Очилиш маросими дастурларига «енгиш» томошаси ҳам олиб кирилгани қувонарли бўлди, — дейди элимизнинг машҳур полвони Турсун Али Муҳаммад. — Аслида, от устида бажариладиган бу томоша катта маҳоратни талаб қўришга жиддий тайёргарлик кўрди. Ниятимиз, шу орқали ёшларимизда азалий кадрият ва миллий ўйинларимизга муҳаббат уйғотишдир.

«Универсиада — 2016» спорт ўйинлари машъаласи жами 364,5 км. масофани босиб ўтади. Тошкент, Наманган, Андижон ва Фаргона вилоятлари ҳудудларида машъала шарафига жамоатчилик иштирокида тадбирлар ўтказилиб, машъала манзил сари илдамламоқда.

Хуллас, Фаргона аҳли ушбу мусобақа иштирокчилар қалбига унутилмас хотираларни муҳрлаши учун бор имкониятларини ишга солади.

Абдулхай ЮНУСОВ,
«Ishonch» мухбири

Мулоҳаза



Бугуннинг «туҳфалари»

Атрофимизда бўлаётган ҳар бир воқеа-ҳодиса негизда мақсадлар муштараклигини кўришимиз мумкин. Қилаётган ишимиздан тортиб ўзгаларга наф келтириш, юмушини енгиллаштириш мақсадида яратилган нарсалар замирида ҳам манфаатлар ётгани бугун одамларни оғриқли ва енгил йўл сари етакламоқда. Албатта, тараққиёт янгиликлар, ихтиролар ва ўзгаришлар билан белгиланади. Яратилаётган ҳар бир кашфиётнинг, аввало, инсон учун фойдали томонлари инобатга олинади. Кундалик юмушимизни енгиллаштириш мақсадида янгидан-янги «қўмақдош»лар ўйлаб топилиб, ҳаётга жорий қилинмоқда. Аммо «... Бир яхшининг бир ёмони бўлади» деганларидек, яратилаётган янгиликлар ўзи билан биргаликда яна қанчадан-қанча муаммоларни ҳам олиб келмоқда.

ЯНГИ АЛИФБО «ИХТИРО» ҚИЛИНДИ

Қадимдан бир-бирига забони аниқ бўлмаган халқларнинг ўз ёзуви ва ёзув вазифасини бажарувчи тасвирлардан иборат алифбоси бўлган. Истеъмолда бўлган қуфий, араб, лотин, тугуни хат каби ёзувлар шаклидан бир-бирини таққорламайди. Бу эса ёзувларнинг ҳолис (бири иккинчисидан намуна сифатида фойдаланмасдан) яратилганлигидан далолат. Табиийки, ёзувларнинг келиб чиқиш тарихи ва замони узоқ вақтни талаб қилиб, маълум меъёр ва қатъий қолибга солинишга қадар қўллаб кишиларнинг меҳнати сарфланади. Аммо эндиликда, замоннинг ривожими ёки кишиларнинг тил меъёрларига нисбатан нописанд муносабатда бўлиши сабаби, хуллас, ҳеч қандай изланиш ва саъй-ҳаракатсиз «янги алифбо» яратилди. Ишонтирмоқчи бўлишларча, бу алифбо вақти зиқ инсонлар учун айни муддао эмас. Унда асосан икки ҳарф маносини бир белги билан ифодалаш «қоидаси» муҳим саналади. Мисол учун, бу «тил» услубида сўзлашиш тахминан шундай кечади: «D6stim iw/ing yaxwimi», «Yaxwi rahmat ke4a tel qisam 64irib q6yding». Айнан шу гап асл ҳолатда эса «Do'stim, ishlaring yaxshimi?», «Yaxshi, rahmat! Kecha telefon qilsam o'chirib qo'yding?». Гап қурилиши, оҳанги ва тиши бөлгиларини қўллаш қоидасига мутлақ амал қилинмаган бу икки жумланинг ўзидек йиғирмадан зиёд хатоликка йўл қўйилган. Агар «ихтиро»лар томонидан бир саҳифалик матн терилса, қанча хатолик вужудга келишини тасаввур қилаверинг...

Асосан ижтимоий тармоқда ва sms ёзишмаларда фойдаланиладиган бу «алифбо» бугун тил меъёрларини бузиб, ёшларни саводсизлик ботқоғи томон етакламоқда. Озгина вақтини қизганимми ёки дангасалиғи сабаби, ёшлар орасида тобора урфга кириб бораётган бу каби «янгилик»ларга нисбатан нописанд қараб бўлмайди. Бугун ёзувга тушган «доф» эртага тилимиз, маданиятимиз, урф-одатларимиз ва миллийлигимизни ҳам ўз чангалига тортиши аниқ.



ЧОЙГУМ — БУРЧ ЗАВОЛИ(МИ?)

Яқинда чет элда ихтиро қилинган чойгум ҳақидаги бир мақолани ўқиб, тўғриси, хурсандчилик ўрнига кўнглим бироз хира тортиди. Яратилган чойгум фарзандларнинг ёлғиз яшаётган кекса ота-оналардан бохабар бўлиб туриши учун асқотаркан. Электр чойгумининг бир жойига «чип» ўрнатилганиги боис ишга тушиши билан бу ҳақда фарзанднинг қўл телефонига мужда юборилган. Қарабсизки, бошқа туман, шаҳар ёки олисроқ манзилда яшаётган фарзанд ота-онанинг соғ-саломат чой қайнатиб ичаётганини билиб, хотиржам бўларкан. Оҳ-оҳ, бу телефон қилиб ота-онанинг ҳолидан хабар олишга вақти йўқ «ишбилармон» фарзандлар учун нақадар қўлайлигини айтмай-сизми?!...

Болалигимиздан бугунимизгача бизни еру кўкка ишонмаган ота-онамизни наҳот биргина чойгумга ишониб топшириб қўйсак.

Вояга етган ҳар бир ўғил-қизнинг ота-онасига гамҳўрлик қилиши фарзандлик бурчи эканлиги қонунларимизда ҳам белгилаб қўйилган. Қолаверса, уларнинг кам-кўстидан бохабар бўлиб туриши, вақт топиб кўнглини олиш ва хизматда бўлиш халқимизга хос бўлган азалий кадрият ҳам.

ҲАР ИШДА МЕЪЁР ЯХШИ

— Эсимда, тўртинчи синфдалимизда отам «ҳисоб-китобга қўйналмагин», деб калкулятор олиб берганди. Уша вақтда барча масала ва ҳисоб-китобларни ўз билимимга таяниб бажарардим. Калкуляторли бўлдим тўғривара айландим-қўйдим. Энди ҳар қандай ҳисоб учун унга эъланман. Фақат амаллар кетма-кетлигини тўғри бажарсанг бўлди, барча жавоб унда муҳассам, — дейди тўққизинчи синф ўқувчиси.

Уриб бораётган замон кунда бир янгиликни қўлимизга «тутқазаётгани»дан қувонсан киши. Аммо юқоридagi каби «муъжиза»ларнинг ўзига яраша қусурлари мавжудлиги бизни бироз бўлса-да, сергакликча чорламоғи лозим. Агар калкулятор — бизни бош қотиришимиздан «озод» қилса, интернет —

ортиқча вақт сарфлаб китоб varaқлашга ҳожат қолдирмай тайёр маълумотларни «илинса», пулт — турган жойимиздан масофавий буйруқ бериб, ҳаракатсизликка «чорласа», телефон ва компютер — биз учун маълумотлар ва ёлномаларни сақлаб, кўп ишда тайёр дастёрлик қилишда давом этса, тез орада биз учун бирор юмуш қўлмаслигидан асло қувониб бўлмайди.

Ҳар бир нарсда меъёр бўлсагина у ўз қиймати ва аҳамиятини оқлайди. Зеро, меъёрсизлик — тартибсизликка қўйилган дастлабки қадам эканлигини унутмайлик.

Сулаймон ҲАЙДАРОВ,
«Ishonch» мухбири



Шундай маскан бор

Муסיқа миллатни тарбиялайди

Муסיқа ҳақида гап кетганда бувимнинг куйидаги сўзлари ёдимга келаверади: толиқанингда ёки бирон нарсдан хафа бўлганингда хиргойи қилсанг, кўнглинг таскин топади, беиктиёр яхши нарсалар ҳақида ўйлай бошлайсан. В.Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган муסיқа академик лицейи 1939 йилда Тошкент давлат консерваторияси қошида мактаб сифатида ташкил этилган. Шундан буйн малакали муסיқа мутахассислари отказиб бериш бўйича асосий маскан бўлиб хизмат қилмоқда.



Уфа сурати

Қайд этиш лозимки, лицей ўқувчилари нафақат юртимизда ташкил этилаётган анжуманларда, балки халқаро фестивалларда ҳам иштирок этиб келмоқда. Шунингдек, кўплаб жаҳоннинг машҳур дирижёрлари ва уларнинг оркестрлари билан сахнага чиққан.

«Шарқ тароналари» фестивали ва бошқа концертлар иштирокчиси «Усмир ёшлар» симфоник оркестри лицейнинг фахри. «Пуфлама чоғулар», «Халқ чоғулари», «Унисон скрипкачилар» оркестри, «Анъанавий созандалар», «Дуторчилар ансамбли» ҳам тахсинга лойиқ фаолият кўрсатмоқда. Лицейнинг 250 дан ортиқ ўқувчиси кўплаб давлатларда ўтказилган халқаро танловлар голибидир.

Ўқитувчилар томонидан кенг қамровли илмий методик тўпламлар чоп этилиб, кўплаб маънавий-маърифий ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунда 16 та методик тўплам, дарсликлар, чет эл муסיқа-

си бўйича ўқув қўланмалари ва 200 дан ортиқ мақолалар юртимиз ҳамда чет элларда нашр қилинган. Лицейда турли тоифадаги ўқитувчилар, фан номзодлари, профессорлар, Ўзбекистон халқ артистлари, хизмат кўрсатган артистлар фаолият кўрсатмоқда. Лидия Флорентьева, Алла Ким, Хуррият Исроилова, Замира Раҳматуллаева, Тоир Кўзиев, Насиба Сатторова, Камолиддин Алихамматов, Ботир Раҳимов каби жонқуяр устозлар номини алоҳида тилга олиш лозим.

— Муסיқа инсонларни эзгуликка, меҳроқибат, шукроналикка ундайди. Соғлом она ва бола йилида режаларимиз янада кўп. Шулардан бири 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган инсонлардан иборат муסיқа тўғрақлари ташкил қилиш. Санъатга ошно бўлиш чегара билмайди ёки ёш танламайди. Ҳеч кимга сир эмаски, соғлиғи ёмонлашган ёки кексайган киши вақтни сермазун ўтказгиси келади. Шунингдек, ота-оналар, бу-

вижонларнинг болаларимиз олаётган таълимни биз ҳам тушуна олайдик, деган интилишини инобатга олган ҳолда мана шу лойиҳани амалга ошириш ниятидамиз, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, педагогика фанлари номзоди, муסיқа академик лицей директори Дилдора Жамолова. — Ҳар ойнинг 15-насида ногирон ва оғир касалликлар билан оғриган болаларга хайрия концерти тақдим этилади. Бу бежиз эмас. Негак, қўй-қўшиқ нафақат руҳиятга, балки танага ҳам ижобий таъсир этади. Илмий ишлар шарқ муסיқа ва шөрриятининг фарзандларимизни эстетик томондан тарбиялашдаги аҳамияти ҳақида эди. Бу иш бўйича олти йил мобайнида изланиш ва тадқиқотлар олиб борганман. Айнқиса, қўшиқ хасталикни бошидан кечираётган болаларнинг беғубор қалбини бир лаҳза бўлса-да, ўзга олам оғушига етаклаб, касалликни унуттишга ёрдам беради. Бир сўз билан айтганда, бундай мақсаддаги концертни «Муסיқатерапия» ҳам дейишга асосимиз бор.

Ҳамдардлик илоҳий кунга эга. Хайрия концертимиз шундай ҳамдардлик ва меҳроқибат дарёсининг бир томчиси. Биз бу концерт дастурлари орқали барча хаста болаларни бағримизга босамиз гўё. Қолаверса, муסיқа инсоннинг қалбдан поклашишга, руҳан тетиклашишга, тушқунликдан чиқишига ёрдам беради.

Қизларимизга келажакимизнинг бебаҳо дурдонаси, бўлгуси фарзандларимизнинг онаси, йигитларимизга эса таянчимиз ва куч-қувватимиз, дея муносабатда бўламиз. Тамила Саримсоқова, Нодира Дадамухомедова, Азиза Ботирова каби уч нафар қизимиз Зулфия номидаги Давлат мукофотини кўлга киритишганини фахр билан тилга олишни жоиз деб биламан.

— Ходимлар манфаати ҳаммиса устувор, — дейди лицей қасаба уюшма қўмитаси раиси Даврон Каримов. — Улар яхши дам олса, натижаларимиз янада юқори бўлади. Вақти-вақти билан ишчиларга сихатқолларга йўланмалар, уларнинг фарзандларига эса сув спорти саройи ва театрларда чипталар тарқатилади. Байрамларда кексаларимиз хolidан хабар олиб, концертларга тақлиф қиламиз.

Олга интилиш, аҳилик, меҳроқибат туйғулари мужассам бўлган жамоада эса кўзланган мақсадга, албатта, эришилади.

Комила БОЙМУРОВОВА,
«Ishonch» мухбири

MUASSIS:
O'zbekiston Kasaba uyushmalari Federatsiyasi
2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Bosh muharrir:
Jahongir Sharofboyev
Tahrir hay'ati:
Abdulaziz Abdullayev, To'liqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalimov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov (bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshev

BO'LIMLAR:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va o'lonlar — 256-87-73

Manzillimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Satuvda erkin narxda.

Ishonchdan olingan ma'lumotlarda manba slatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

HUUDUDLARDAGI MUXBIRLAR:
Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32
Andijon — (+998-91) 475-23-60
Buxoro — (+998-93) 653-50-81
Jizzax — (+998-91) 943-67-44
Namangan — (+998-90) 260-50-77
Navoiy — (+998-93) 313-86-87
Samarqand — (+998-97) 915-50-87
Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55
Surxondaryo — (+998-90) 910-54-05
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70
Xorazm — (+998-90) 719-48-00
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

Navbatchi muharrir:
A.Qodirova
Navbatchi:
J.Ergashev
Musahhirlar:
S.Shodiyeva
Sahifalovchi:
H.Abdullallov

Boshiga topshirish vaqti — 21:00
Topshirishi — 22:20

1 2 3 4 6

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxonaning manzili:
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta «Ishonchning» kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Buyurtma № — 515.
20734 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi: 133